

**ARTICLE INFO**

Received: 10th April 2024

Accepted: 17th April 2024

Online: 18th April 2024

KEYWORDS

Socially dangerous act, criminal act, qualification, participation in prostitution, organized group, criminal community, drugs, individualization of punishment.

CRIMES AGAINST FAMILY AND YOUTH QUALIFICATION MATTERS

Najimov Miratdiyin Shamshetdinovich

Karakalpak State University

Head of the "Criminal Law, Procedure and Criminology" Department,
DSc. Assoc.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10992675>

ABSTRACT

The article examines the specific aspects of the qualification of crimes against family and youth in the criminal law of the Republic of Uzbekistan.

**ОИЛАГА ВА ЁШЛАРГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

Нажимов Миратдиин Шамшетдинович

Қарақалпоқ давлат университети

"Жиноят ҳуқуқи, процесси ва криминалистика" кафедраси мудири, ю.ф.д. доц.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10992675>

ARTICLE INFO

Received: 10th April 2024

Accepted: 17th April 2024

Online: 18th April 2024

KEYWORDS

Ижтимоий хавфли қилмиш, жиноий қилмиш, квалификация, фоҳишалликка жалб этиши, уюшган гурӯҳ, жиноий уюшма, гиёҳвандлик воситалари, жазони индивидуаллаштириш.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида оиласа ва ёшларга қарши жиноялар учун қилимешни квалификация қилишининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ килинган.



Жиноятларни квалификация қилиш аниқ ижтимоий хавфли қилмиш белгилари ва жиноят-хуқуқий норманинг белгилари ўртасидаги мослик (ўхашашлик)ни аниқлашдир¹. Жиноят-хуқуқий адабиётлардан мустаҳкам ўрин олган қоидага қўра, жиноятни квалификация қилиш содир этилган қилмишнинг белгилари билан жиноят-хуқуқий нормада назарда тутилган жиноят таркиби белгилари ўртасида мувофиқликни аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлашдир². Жиноий қилмишларни квалификация қилиш ҳар қандай жиноят учун жазо тайинлашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Жиноятчининг, шу жумладан, инсоннинг жисмоний эркинлигига тажовуз қилган шахснинг ҳаракатларига баҳо беришда терговчи, прокурор ва суд қайси жиноят-хуқуқий норма қўлланилиши лозимлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиши, яъни содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни тўғри квалификация қилиши талаб этилади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят хуқуқига мувофиқ жиноятларни квалификация қилиш жиноий жавобгарликнинг юзага келиши ва уни амалга ошириш учун юридик асос ҳисобланади.

Одил судловни амалга ошириш учун тегишли қилмишни жиноят-хуқуқий норманинг аниқ мазмунига ва жиноят содир этилишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ тўғри квалификация қилиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан тўғри квалификация қилиш оиласа ва ёшларга қарши жиноятларга доир жиноят ишлари бўйича одил судлов қонундан оғишмай амалга оширилишининг кафолатларидан бири ҳисобланади. Қилмиш тўғри квалификация қилинган тақдирдагина оиласа ва ёшларга қарши жиноятларга доир жиноят иши бўйича суд чиқарган ҳукм содир этилган жиноятга ва маҳкумнинг шахсига давлат номидан берилган баҳони ифодаловчи қонуний ҳукм бўлиши мумкин.

Биз оиласа ва ёшларга қарши жиноятларни квалификация қилишни тадқиқ қилишда қўйидаги учта ҳолатга эътибор қаратдик:

- 1) қилмиш қайси ҳолатларда оиласа ва ёшларга қарши муайян жиноят таркибини ҳосил қиласи ва қайси ҳолатларда у жиноят ҳисобланмайди? Бунда биз амалиётда муаммоли ҳисобланган айrim жиноятларнинг энг муҳим жиҳатларига эътибор қаратдик;
- 2) тегишли қилмишни ўхшаш таркибли жиноятлардан қандай фарқлаш керак? Бунда биз ҳар бир жиноят бўйича ўхшаш таркибли жиноятларни аниқлашга ва уларнинг энг муҳим фарқларини очиб беришга ҳаракат қилдик;
- 3) қилмиш қайси ҳолатларда бошқа жиноятлар билан жиноятлар жами тарикасида квалификация қилиниши керак?

Ушбу масалалар юзасидан ЖК 122 ва 123-моддаларида назарда тутилган жиноятларга юзлансан. Жумладан, М.Ҳ.Рустамбаев моддий ёрдамга муҳтоҷ бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш мажбурияти зиммасига юклangan шахс ўзи меҳнатга лаёқатсиз бўлса ёки унга юклangan мажбуриятни бошқа узрли сабабларга қўра, масалан, касаллиги туфайли бажармаётган

¹ Расулов А.А. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят қонунининг аҳамияти. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 126.

² Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 1998. – С. 8.



бўлса, ЖКнинг 122-моддаси бўйича жавобгарлик истисно қилинади³, деб қайд этган. Ваҳоланки, қонун матнида бундай имконият назарда тутилмаган. Яъни, ЖКга кўра, 122-модда бўйича жавобгарликнинг юзага келиши шартлари қуидайлардан иборат: 1) моддий таъминлаш бўйича тегишли суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи мавжудлиги; 2) тегишли маблағнинг икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўланмаганлиги; 3) айборнинг ЖКда назарда тутилган умумий шартларга жавоб бериши (ақли расолиги ва ҳоказо). Кодекс талабига кўра, ушбу шартларга жавоб берган ҳар қандай шахс у меҳнатга лаёқатли ёки лаёқатсиз, узрли ёки узрсиз сабаб бўлишидан қатъи назар суд ҳужжатида белгиланган тўловни амалга оширишга мажбур, агар икки ой муддат мобайнида тўлов амалга оширилмаса тегишли жиноий жавобгарлик юзага келиши керак. Аслида М.Х.Рустамбаевнинг юқорида қайд этган фикри мантиқан тўғри бўлса-да, қонуний ечими нотўғри, деб ҳисоблаймиз. Ушбу келтирилган мисолдаги муаммоли вазиятнинг ечими сифатида манфаатдор шахсларнинг мурожаати орқали тегишли суд ҳужжатини ўзгартириш зарур, деб ўйлаймиз. Чунки, Оила кодексида белгиланган қоидага кўра, суд ҳужжатида белгиланган миқдордаги алиментни тўлашдан тўла ёки қисман озод этишга фақат суд тартибида йўл қўйилади (141-модда).

Шунингдек, ушбу масала айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигига инобатга олинганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Россия Федерасияси ЖКнинг 157-моддасида бундай тўловларни “узрсиз сабабларга кўра тўламаслик” учун жавобгарлик белгиланган⁴. Аммо бундай таҳрирдаги нормада ҳам қандай ҳолатлар узрсиз сабаб ҳисобланади деган муҳим савол юзага келади. Ушбу тушунча жуда кенг тушунча бўлиб, бизнингча, қонунга бундай норманинг киритилиши амалиётда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, биз Ўзбекистон ЖК 122 ва 123-моддалари диспозитсиясининг амалдаги таҳриридаги вариантни ҳамда айбор шахсада тўловга қобилиятызлик ҳолати юзага келса, ушбу масала суднинг тегишли ҳужжатига ўзгартириш киритилган ҳолда ечиилиши зарур деган гояни маъқуллаймиз.

ЖК 122 ва 123-моддаларида қайд этилган жиноятни ўхшаш таркибли жиноят ҳисобланган ЖК 232-моддасида жавобгарлик белгиланган суд ҳужжатини ижро этмасликдан фарқлаш зарур. Чунки, ЖК 122 ва 123-моддаларида жавобгарлик белгиланган жиноятлар мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан суд ҳужжатини ижро этмасликнинг бир тури ҳисобланади. Маълумки, ЖКда суд ҳужжатини ижро этмаслик билан боғлиқ равишда 122, 123, 148, 232, 233-моддаларда жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сон қарорида жиноят қонуни ЖК 232-моддасида назарда тутилган умумий нормадан истисноларни ҳам назарда тувиши, бунда суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарлик ЖКнинг

³ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. З томлик. Maxsus қисм. Т.2. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б. 143.

⁴ Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 года № 63-ФЗ. // www.online.zakon.kz/Document/?doc_id=30397073&pos=366;-60#pos=366;-60



махсус нормалари бўйича келиб чиқишини ва қилмишни ЖК 232-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмалиги белгиланган⁵. Биз ҳам ушбу масалада Олий суд Пленуми қарорида назарда тутилган квалификация қоидасини маъқуллаймиз. Яъни, ушбу ўринда умумий ва махсус нормалар рақобати қоидаларини кўллаган ҳолда, ЖКнинг 122 ва 123-моддаларида қайд этилган нормалар ЖКнинг 232-моддасида белгиланган нормаларга нисбатан махсус норма ҳисобланади, деган холосадамиз.

Кейинги муҳим ҳолат, яъни ЖК 122 ва 123-моддаларида қайд этилган суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш орқали содир этилган тақдирда, бундай қилмиш тегишли раившда ЖК 122 ёки 12-моддалари ҳамда 232¹-моддаси (суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралashiш) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз.

Таҳлил қилинаётган масала юзасидан ЖК 124-моддасида назарда тутилган жиноятга юзлансан. Болани алмаштириб қўйиши квалификация қилишда эътибордан четда қолдирмаслик керак бўлган энг муҳим масалалардан бири жиноятнинг мотиви, яъни таъмагирлик ёки бошқа паст ният ҳисобланади. Бундай мотивнинг мавжуд эмаслиги ушбу қилмишда ЖК 124-моддаси таркиби мавжуд эмаслигини англаради. Жумладан, ушбу моддада қайд этилган болани эҳтиётсизлик туфайли алмаштириб юбориш ЖК 124-моддаси бўйича жиноий жавобгарликни юзага келтирмайди. Аммо ушбу вазиятда эътибор қаратиладиган яна бир муҳим жиҳат бор. Яъни, агар боланинг алмаштириб қўйилишига йўл қўйилиши мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида рўй берган бўлса, унинг қилмиши ЖК 207-моддаси билан квалификация қилинишига сабаб бўлади⁶.

ЖК 124-моддасида қайд этилган жиноятга ўхшаш таркибли жиноят одам ўғрилаш (137-модда) ҳисобланади. Бу борада айрим тадқиқотчилар⁷ жиноят қонунчилигидан болани алмаштириб қўйиши деган жиноят таркибини чиқариб ташлашни таклиф этишади ва болани алмаштириш одам ўғрилашнинг тuri, чунки ушбу жиноятларда кўплаб умумий жиҳатлар мавжуд деб ҳисоблайди. Биз бу борада ушбу жиноятлар бир-бири билан ўхшаш бўлса-да, улар бир-биридан фарқ қиласди, деб ҳисобловчи олимларнинг фикрини⁸ маъқуллаймиз. Биринчидан, одам ўғрилаш жинояти ҳам яширин равища, ҳам очиқ тарзда амалга оширилиши мумкин. Болани алмаштириб қўйиши эса, доимо яширин равища амалга оширилади. Иккинчидан, одам ўғрилаш жиноятида жабрланувчи битта одам бўлиши ҳам мумкин, аммо болани алмаштириб

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир конунларни кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сон қарори. // www.lex.uz/docs/1602168

⁶ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 130.

⁷ Ермолаев А. В. Уголовная ответственность за преступления против семьи: Проблемы законодательной регламентации и правоприменения и пути их разрешения: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2009. – С. 10.

⁸ Шищенко Е.А. Актуальные уголовно-правовые вопросы квалификации подмены ребенка. // Научный журнал КубГАУ. – 2016. – №118(04). – С. 24.



қўйишда жабрланувчи камида иккита ҳисобланади, яъни ушбу жиноят натижасида камида иккита жабрланувчи бола мавжуд бўлади. Шу сабабдан, **ЖК 124-моддасининг номи ва диспозитсиясида “болани” деган сўзни “болаларни” деган сўз билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.**

Яна бир ҳолатга эътибор қаратиш зарурки, агар болани ўғрилаш уни алмаштириши билан боғлиқ бўлса, айборнинг ҳаракатларини ЖКнинг 124-моддаси ҳамда 137-моддасининг 2-қисм билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш зарур⁹.

ЖК 125¹-моддасида жавобгарлик белгиланган моддани таҳлил қилган ҳолда қайд этиш керакки, агар маҳсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатига эга бўлмаган шахс никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг никоҳ тузишига доир диний маросимни амалга ошиrsa, иш ҳолатлариға қараб, айборнинг ҳаракатлари ЖК 125¹-моддаси ҳамда 229²-моддаси билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши мумкин¹⁰.

Таҳлил қилинаётган масала юзасидан ЖК 126-моддасида назарда тутилган жиноятга юзлансан. Кўп хотинли бўлишни квалификация қилишда эътибор қаратилиши керак бўлган энг муҳим масалалардан бири камида иккита хотин билан эрхотин бўлиб яшашнинг “умумий рўзгор асосида” амалга оширилиши ҳисобланади. Бунда эркак кишининг камида иккита хотин билан айнан умумий рўзгор асосида эрхотин бўлиб яшаётганлигини аниқлаш жуда муҳимдир. Акс ҳолда, яъни эркак киши икки ёхуд ундан ортиқ аёл билан эрхотин бўлиб яшаётган бўлса-да, аммо умумий рўзгор асосида бўлмаса, бундай қилмишда ЖК 126-моддаси таркиби мавжуд бўлмайди ҳамда бундай қилмиш кўп хотинли бўлиш жинояти сифатида квалификация қилинмайди. Аммо ушбу вазиятда эътибор қаратиладиган яна бир муҳим масала мавжуд. Кўп хотинли бўлишни икки ёки ундан ортиқ аёллар билан қонунга хилоф равища рўйхатдан ўтишдан фарқлаш керак. Бундай ҳолат ҳужжатлар қалбакилаштирилган тақдирда, ЖК 228-моддаси бўйича жавобгарлик келтириб чиқаради¹¹.

Таҳлил қилинаётган масала юзасидан ЖК 127-моддасида назарда тутилган жиноятга юзлансан. Н.П.Грабовская вояга етмаганларни жиноятчиликка жалб қилиш жиноятининг таркиби – формал таркибли деб таъкидлайди. У вояга етмаганларни жиноятчиликка жалб қилиш жиноятининг объектив томонини характерлар экан бир эмас, балки бир нечта формал таркиблар ҳақида фикр юритади. Бироқ ҳамма муаллифлар хам бундай фикрни қувватлайвермайди. А.А.Игнатов вояга етмаган шахсни жиноятчиликка жалб қилишга қаратилган ҳаракатлар натижасиз қолган холларда эса, буни берилган жиноятга суиқасд қилиш¹², деб қарашни таклиф қиласди.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 169-170.

¹⁰ Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. З томлик. Маҳсус қисм. Т.2. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б. 152.

¹¹ Жиноят хукуки. Маҳсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул мухаррир: Ш.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 139.

¹² Уголовное право Российской Федерации. – М., 2001. – С. 377.



Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишдаги энг муҳим қоидалардан биттаси ушбу жиноятни содир қилаётган шахснинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга (жиноятга) жалоб қилинаётган жабрланувчани вояга етмаган эканлигини билиши лозимлиги ҳисобланади. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарлик юзага келмайди.

Шунингдек, ушбу жиноятни содир қилиш жараёнида вояга етмаганга нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш ҳолатлари мавжуд бўлса, бундай қилмиш вояга етмаган шахснинг баданига етказилган заарнинг даражасига кўра, ЖКнинг 127-моддаси ҳамда 104, 105 ёки 109-моддалари билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинади.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишни ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ушбу жиноятни ЖКнинг 274-моддасида жавобгарлик белгиланган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этишдан фарқлаш зарур.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сон қарорининг 29-бандига кўра, агар гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки ақл-идроқига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга вояга етмаган шахс жалб этилган бўлса, айборнинг ҳаракатлари маҳсус норма, яъни ЖКнинг 127-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади¹³. Кўриб турганимиздек, ушбу ўринда ҳам жиноят ҳуқуқи назариясидаги умумий ва маҳсус нормалар рақобати ҳақидаги қоидалардан мавжуд хулосалардан фойдаланилади. Яъни, бундай ҳолатда қайси норма маҳсус норма ҳисобланса, қилмиш жиноятлар жами тариқасида эмас, балки маҳсус нормага устуворлик берилган ҳолда квалификация қилинади.

Аммо шу ўринда таъкидлаш зарурки, ЖКнинг 274-моддасига тегишли қўшимча киритган ҳолда, вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш билан боғлиқ қилмишни ЖКнинг 274-моддасида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Таҳлил қилинаётган масала юзасидан ЖК 128-моддасида назарда тутилган жиноятга юзлансан. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарорига кўра, судлар ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасида назарда тутилган жиноят таркибларини ЖК 128-моддасида назарда тутилган жиноят таркибидан фарқлашлари, бунда ЖК 128-моддаси бўйича

¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сон қарори. // www.lex.uz/docs/3203265



жиноий жавобгарлик ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш зўрлик ёки таҳдид қўлламаган ҳолда амалга оширилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини англаган жабрланувчининг розилиги билан содир этилган ҳолдагина келиб чиқишини эътиборга олишлари лозим¹⁴.

Таҳлил қилинаётган масала юзасидан ЖК 129-моддасида назарда тутилган жиноятга юзлансан. М.Х.Рустамбаевнинг қайд этишича, кўп ҳолларда уятсиз-бузуқ ҳаракатлар жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришдан олдин содир этилади¹⁵. Агар ЖКнинг 129-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятни содир этишда айбдор бўлган шахс номусга тегиш ёки ғайритабиий усулда жинсий эҳтиёжни қондириш мақсадида жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатган, уни қўрқитган ёки унинг ожизлигидан фойдаланган бўлса-да, лекин ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўз мақсадига эришмаган бўлса, қилмишни 16 ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегишга сунқасд қилиш ёки мазкур шахс билан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондиришга сунқасд қилиш сифатида ЖКнинг 25-моддаси хамда ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми “а” банди ёки мазкур модданинг 4-қисми ёхуд ЖКнинг 119-моддаси 3-қисми “а” банди ёки ушбу модданинг 4-қисми бўйича квалификация қилиниши зарур¹⁶.

Оиласа ва ёшларга қарши жиноятларни квалификация қилишда ушбу тоифадаги жиноятнинг юқорида қайд этилган ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш жуда муҳим ҳисобланади.

References:

1. ¹ Расулов А.А. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят қонунининг аҳамияти. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 126.
2. ¹ Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 1998. – С. 8.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. З томлик. Maxsus қисм. Т.2. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б. 143.
4. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 года № 63-ФЗ. // www.online.zakon.kz/Document/?doc_id=30397073&pos=366;-60#pos=366;-60
5. ¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 7-сон қарори. // www.lex.uz/docs/1602168

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарори. // www.lex.uz/docs/2414120

¹⁵ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. З томлик. Maxsus қисм. Т.2. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б. 171-173.

¹⁶ Ўша ерда.



6. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 130.
7. Ермолаев А. В. Уголовная ответственность за преступления против семьи: Проблемы законодательной регламентации и правоприменения и пути их разрешения: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2009. – С. 10.
8. Шищенко Е.А. Актуальные уголовно-правовые вопросы квалификации подмены ребенка. // Научный журнал КубГАУ. – 2016. – №118(04). – С. 24.
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 169-170.
10. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. З томлик. Махсус қисм. Т.2. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б. 152.
11. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 139.
12. Уголовное право Российской Федерации. – М., 2001. – С. 377.
13. ¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сон қарори. // www.lex.uz/docs/3203265
14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарори. // www.lex.uz/docs/2414120
15. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. З томлик. Махсус қисм. Т.2. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б. 171-173.